

### **3- Мавзу. Агротаркетинг тадқиқотлари жараёни**

#### **Режа:**

- 1.Агротарноат мажмуасининг зарурлиги, мақсади, вазифалари ва таркиби.**
- 2.Агротарноат мажмуаси таркибидаги тармоқлар ўртасидаги муносабатлар**
- 3.Агротарноат мажмуасининг ҳолати, иқтисодий-ижтимоий самарадорлик даражаси, уларни ривожлантирилиши.**
- 4.Озиқ-овқат ва халқ истеъмоли моллари мажмуаси. Давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги.**

#### **1.Агротарноат мажмуасининг зарурлиги, мақсади, вазифалари ва таркиби.**

Бозор иқтисодиёти шароитида халқ хўжалиги тармоқларининг, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлиги кўп жиҳатдан бошқа тармоқлар ишлаб чиқариш фаолиятига чамбарчас боғлиқ. Сабаби, бир тармоқнинг пировард маҳсулоти бошқа бир тармоқ учун ишлаб чиқариш воситаси ёки хом-ашёси бўлиб хизмат қилади ва унинг тармоқ учун бирламчи қайта ишлаш ёки маҳсулотни истеъмолчига етказиб бериш хизматини вужудга келтиради.

Қишлоқ хўжалиги бир томондан, техника, қишлоқ хўжалик машиналари, ёқилғи мойлаш материаллари, захарли кимёвий воситалар, минерал ўғитлар, қурилиш материаллари ва транспорт воситалари етказиб берувчи саноат билан, иккинчи томондан, таъмирловчи, сақловчи, етказиб берувчи, яъни хизмат қилувчи тармоқлар ва ишлаб чиқарувчилар билан боғланган.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан хом-ашё сифатида фойдаланувчи, саноатнинг озиқ-овқат, енгил, тўқимачилик каби тармоқлари билан ҳам мустаҳкам алоқа мавжуд.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари ўртасида бундай алоқадорлик улар базасида, органик жиҳатдан алоқадор бўлган ва ягона пировард мақсадга қаратилган агротарноат мажмуи шаклланишувини вужудга келтиради.

Шундай қилиб, агротарноат мажмуи қишлоқ хўжалигини ривожлантириш билан, унинг ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини истеъмолчига етказиб бериш билан боғланган халқ хўжалиги тармоқларининг тўпламидан иборатдир. Унинг фаолияти минимал харажатлар ҳисоби мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноатни хом-ашё билан тўлароқ қондиришга қаратилган.

Агросаноат мажмуининг асосий ижтимоий – иқтисодий мақсади қуйидагилардан иборат:

- Мамлакатнинг озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш ва унга бўлган истеъмолни илмий асосланган меъёрларга яқинлаштириш;
- Аҳолини қишлоқ хўжалик хом – ашёсидан тайёрланадиган озиқ-овқат бўлмаган товарларга бўлган талабини қондириш;
- Агросаноат мажмуи корхоналарини ривожлантиришнинг интенсив шаклига ўтказиш ва шу асосда пировард маҳсулот ишлаб чиқаришни ўстиришни таъминлаш;
- Барча тармоқ ва корхоналарда мавжуд ресурслар потенциалидан фойдаланишни яхшилаш ва шу асосда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;
- Ташқи савдо обороти структурасини, озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ четга чиқариш ҳисобига ўзгартириш.

### **1-бўғин**

-Агросаноат мажмуаси таркибидаги корхоналар учун ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи саноат тармоқлари. Улар таркибан қишлоқ хўжалик машинасозлик, тракторсозлик саноати; кимё саноати; нефт маҳсулотлари саноати, микробиология саноати; озиқ-овқат машинасозлик, станоксозлик саноати; қурилиш материаллари саноати ва бошқалардан ташкил топади. Уларнинг кўлами, айниқса, машинасозлик ва станоксозлик саноати тармоқларининг кўлами республикадаги барча омилларни еътиборга олган ҳолда чекланган.

### **2-бўғин**

–Агросаноат мажмуасининг асосий тармоғи ҳисобланган қишлоқ хўжалигидан ташкил топади. Унинг барча тармоқлари–ўсимликчи-лик ҳамда чорвачилик тармоқларида саноат тармоқлари учун хомашёлар (пахта хомашё-си, бошоқли донлар, каноц, зиғир, қанд лавлаги, жун, тери, кунжут, узум), аҳоли истеъмоли учун эса гўшт, сут, сабзавот, полиз, мева маҳсулотлари етиштирилади.

- Республика агросаноат мажмуасида мақсадга эришиш қуйидаги асосий вазифалар ечилишини тақозо этади:
  - агросаноат мажмуаси таркибидаги барча тармоқлар мақсадга мувофиқ ҳолда ташкилий, технологик, техникавий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ўзаро узвий боғланишини таъминлаш;
  - мажмуа таркибидаги корхоналарни барча омилларни еътиборга олган ҳолда мақсадга мувофиқ оқилона жойлаштириш;
  - уларнинг ихтисослаштирилиши ва интеграциялашувини таъминлаш;

- самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида барча корхоналарни замонавий техникалар билан жиҳозлаш, уларда илғор технологияларни жорий этиш;

- агросаноат мажмуаси таркибидаги корхоналар ихтиёридаги барча ресурслардан (табiiй, капитал, меҳнат) тадбиркорлик билан оқилона фойдаланиб, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, механизациялаш, электрлаштириш ва кимёлаштириш орқали доимий ва ўзгарувчан харажатларни камайтириб, экологик талабларга жавоб берадиган маҳсулотларни зарур миқдорда ишлаб чиқариш, уларни истеъмолчиларга етказиб бериб, кўпроқ фойда олишни таъминлаш;

- агросаноат мажмуаси таркибидаги корхоналар ўртасида улар маҳсулотларини ўзаро самарали айрибошлаши таъминладиган нархларнинг мақсадга мувофиқ миқдорини маълум муддатларга белгилаш;

- мажмуада фаолият кўрсатаётган раҳбар, ишчи ва хизматчиларнинг малакаларини ошириш, улар меҳнатларининг миқдorigа, пировард натижасига кўра рағбатлантирилишини ривожлантириш ва бошқалар.

2006 йилнинг бошига тармоқни ташкил этиш ва бошқариш билан Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги шуғулланмоқда.

Унинг таркибида:

- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши;
- сув хўжалиги тармоқлари;
- ўрмон хўжалиги тармоқлари мужассамлашган.

Вазирликнинг мақсади ва фаолият кўрсатиш йўналишлари қилиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қуйидагилар белгиланган:

- қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича илм-фаннинг барча йўналишларини жаҳон андозаларига мослаштирган ҳолда ривожлантириш;

- фан-техника тараққиётини эътиборга олган ҳолда ягона фан-техника сиёсатини ва мониторингини амалга ошириш;

- селекция, уруғчилик ва наслчилик билан шуғулланадиган фанларни тартибга солиш ҳамда ривожлантириш;

- қишлоқ ва сув хўжалигида амалга оширилаётган аграр-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнини тартибга солиш, унинг мониторингини амалга ошириш;

- деҳқончилик, чорвачилик тизимларини тако-миллаштириш, ривожлантириш, уларнинг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлайдиган машиналар тизимини, технологияларни барпо этиш;

эркин бозор талабини эътиборга олган ҳолда экинларни алмашлаб экиш сиёсатини амалга ошириш, уни таъминлайдиган даражада экинларни мақсадга мувофиқ жойлаштиришга эришиш ҳамда мониторингини бажариш;

- наслчиликни, уруғчиликни ташкил этиш;
- чорвачилик учун барча сервис хизматларини ташкил этиш, уларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

- давлат сув кадастрини юритиш, сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, сув хўжалиги объектларидан тўлиқ фойдаланиш, эрларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга оид тадбирларни амалга ошириш;

- ўрмон хўжалигини ривожлантириш, ўрмонларни назорат қилиш ва улардан самарали фойдаланиш;

- тармоқ талабини қондирадиган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, уларни оқилона, самарали рағбатлантириш ва бошқалар.

### **3-бўғин**

-Унга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи, сақловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқлар, жумладан, пахта тозалаш, донни, канопни, қанд лавлагини, гўшт ва сутни, тамакини, сабзавот ва полиз маҳсулотларини, мева, узумни қайта ишлаш, енгил ва бошқа саноат тармоқлари; бозор талабини эътиборга олган ҳолда тайёр маҳсулотларни улгуржи ва чакана ҳолда етказиб берадиган савдо тармоқлари киради. Республика агросаноат мажмуаси таркибига кирувчи барча тармоқларни 1-чизмадан кўриш мумкин. Бундай туркумлаштириш маълум даражада шартли ҳам ҳисобланади. Ҳозирги даврда мамлакат агросаноат мажмуасига 2210 га яқин корхона киради. Буларга фермер хўжаликлари ҳам қўшилса, унда уларнинг умумий миқдори 110 мингдан ошади.

### **4-бўғин**

-У қишлоқ хўжалигини ташкил этиш ҳамда унинг ривожланишига хизмат кўрсатадиган тармоқлар, жумладан, экинларни, чорва ҳайвонларини сув билан таъминлайдиган, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланишини таъмин етувчи чора-тадбирлар тизимини амалга оширадиган сув хўжалиги тармоғи; Қишлоқ хўжалик субъектларига ер ҳайдаш, экинларни экиш, уларга ишлов бериш, етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олиш билан боғлиқ бўлган хизматларни кўрсатувчилар тармоқда фойдаланилаётган барча техникаларга сервис тармоғи; тармоқда йирик бино-иншоотларни қурувчи, мавжудларини таъмирловчи тармоқ; тармоққа зооветеринария хизмати, шунингдек, хашаротларга, зараркурандаларга, бегона ўтларга қарши курашиш мақсадида

кимёвий хизмат кўрсатадиган соҳаларни ўз ичига олади. Қишлоқ хўжалигини ёқилги, ёнилғи ва ёғловчи материаллар ҳамда електроенергия билан таъминлайдиган тармоқлар ҳам шу соҳа таркибига киради.

## **2. Агросаноат мажмуаси таркибидаги тармоқлар ўртасидаги муносабатлар**

Агросаноат мажмуасининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда унинг ишлаб чиқариш жараёнида ўзаро узвий боғланган қуйидаги босқичлар мавжуд:

- агросаноат мажмуаси таркибидаги тармоқлар учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- мажмуа такрор ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш, техникавий ва технологик хизматларни амалга ошириш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан озиқ-овқат ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш;
- озиқ-овқат ҳамда халқ истеъмоли товарларини истеъмолчиларга етказиб бериш.

• Агросаноат мажмуи шаклланишининг асоси бўлиб агросаноат интеграцияси ҳисобланади. У қишлоқ хўжалиги, унга хизмат қилувчи ва унинг маҳсулотини истеъмолчига етказиб бериш билан шуғулланадиган бошқа тармоқлар билан органик ва ишлаб чиқариш алоқаларини кучайтириш жараёнини ифодалайди. Агросаноат интеграцияси ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишининг натижаси ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигининг тармоқлараро мустаҳкам алоқаси ҳам шу асосда ўрнатилади. Ана шундан, ишлаб чиқариш – техникавий, агрокимё хизмати, мелиоратив ишлар, ветеринария хизмати каби тармоқ ва корхоналарнинг вазифаси келиб чиқади. Қишлоқ хўжалигининг агросаноат мажмуининг бошқа тармоқлари билан маҳсулотни сотиш ва қайта ишлаш соҳасидаги алоқалари янада кучаяди.

Кўп тармоқли ишлаб чиқариш тизимининг самарали фаолияти асосан қуйидаги икки омилга боғлиқ:

- 1). Ресурслар бўйича, ривожланиш суръати бўйича, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича тармоқларнинг мувофиқлашувига (мослашувига);
- 2). Пировард натижани мақсад қилиб қўйган ҳар бир звенонинг фаолиятига.

Ҳар бир оралиқ маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми, шу маҳсулотни истеъмол қилувчи звенонинг талаби билан аниқланади. Бу босқичда бутун бир комплексни ривожлантиришнинг зарурий пропорционалиги ва бир текислиги таъминланиши лозим.

- Асосий фондларни ишлаб чиқарувчи тармоқлар, ўз маҳсулотларини қишлоқ хўжалигига ва қайта ишловчи корхоналарга етказиб берадилар. Уларнинг эътибори нафақат мажмуанинг ҳар бир звеносининг талабини қондиришга, балки уларнинг агросаноат ишлаб чиқаришининг босқичлари бўйича нисбатларининг оптималлигини таъминлашга ҳам қаратилгандир. Акс ҳолда, агросаноат мажмуи ривожланишида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ташиш, сақлаш ва истеъмолчига етказиб бериш жараёнида катта йўқотишларга олиб келувчи (диспропорцияни) келтириб чиқаради.

- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини тайёрлашни, сақлашни ва қайта ишлашни амалга оширувчи агросаноат мажмуининг учинчи соҳаси тармоқлари моддий- техника базасини такомиллаштириш зарурдир. Бу соҳа фонд етказувчи тармоқлар билан, шунингдек ўсимликчилик ва чорвачилик билан тармоқлараро алоқаларида оптимал нисбатга риоя қилиши зарур.

- Агросаноат мажмуи тармоқлари ўртасидаги иқтисодий алоқалар маҳсулот ва хизматларга объектив ўрнатиладиган баҳоларнинг оптимал даражаси ёрдамида амалга оширилади. Саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳолари ўртасидаги фарқ меъёрий иқтисодий алоқани қийинлаштиради ва ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришга ва пировард маҳсулотни сотишга имкон бермайди.

### **3. Агросаноат мажмуасининг ҳолати, иқтисодий-ижтимоий самарадорлик даражаси, уларни ривожлантирилиши**

Агросаноат мажмуасининг иқтисодий самарадорлик даражасини қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида аниқлаш мумкин:

- Агросаноат мажмуасининг тармоқлари бўйича мамлакат экспортидаги, яъни валюта тушумидаги салоҳияти, яъни улуши.

Уни билиш учун агросаноат мажмуаси тармоқларидаги корхоналарнинг экспорт қилган маҳсулотларига, хизматларига олинган валюта шаклидаги ҳақ тушумларининг бир йиллик йиғиндисини аниқлаш зарур. Уни ягона валюта бирлигида кўрсатиш учун АҚШ долларига давлат курсига биноан аниқлаш лозим, келажакда ўз мавқесини ошириб бораётган еврода ҳам ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир.

Агросаноат мажмуаси барча валюта тушумининг республика жами валюта тушумига нисбати билан мажмуанинг салмоғини аниқлаш мумкин. Ҳозирги даврда бу кўрсаткичнинг салмоғи 60 фоизга яқинлашб қолган. Шундан 24-26 фоизини пахта толасини сотишдан олинаётган валюта ташкил этмоқда. Ҳозиргача ишлаб чиқарилаётган пахта толасининг 95,3 фоизи четга экспорт қилинмоқда.

Аҳолининг озиқ - овқат ва халқ истеъмоли товарлари билан таъминланганлик даражаси.

Бу кўрсаткичнинг мутлақ даражасини аниқлаш учун агросаноат мажмуасида ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга сотилган маҳсулотлар (турлари бўйича) миқдорини республика аҳолисининг умумий сонига тақсимлаш лозим. Шунда жон бошига тўғри келадиган маҳсулот миқдори аниқланади. Агарда унинг миқдори йил сайин ортиб, тиббиёт меъёрларига яқинлашса, у ҳолда бу аҳолининг яшаш шароити юксалаётганлигидан, халқнинг фаровон ҳаёт кечириши таъминланаётганидан далолатдир.

Агросаноат мажмуаси, тармоқлари ва корхоналарида фойдаланилаётган, сарфланаётган ишлаб чиқариш фондларининг, қилинаётган харажатларнинг самарадорлиги.

Бу кўрсаткичларни аниқлаш учун агросаноат мажмуасининг ялпи маҳсулотини, миллий маҳсулотини ҳамда соф фойда суммасини ишлаб чиқариш фондларига, харажатлар суммасига тақсимлаш зарур. Шунда 1 сўмлик ишлаб чиқариш фондлари, харажатлари эвазига олинган ялпи маҳсулот, миллий маҳсулот ҳамда соф фойда суммаси аниқланади. Агарда бу кўрсаткичларнинг мутлақ (абсолют) миқдори ошиб борса, у ҳолда бу фондларнинг, харажатларнинг иқтисодий самарадорлиги ошаётганлигидан далолат беради.

Агросаноат мажмуаси тармоқларининг, корхоналарининг рентабеллик даражаси

Уни аниқлаш учун тармоқларнинг, корхоналарнинг соф фойдасини жами харажатлар суммасига тақсимлаб, натижани 100 га кўпайтириш лозим. Чунки бу кўрсаткич фоизда аниқланади. Шу билан биргаликда агросаноат мажмуасининг ижтимоий самарадорлигини аниқлашда бир қанча қўшимча кўрсаткичлардан, жумладан, тармоқлар бўйича бир кишининг ўртача ойлиги, кадрларнинг билимлилик салмоғи, аҳоли жон бошига кўрсатилаётган хизматлар миқдори ва бошқалардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Республика агросаноат мажмуасини ривожлантириш, унинг самарадорлигини юксалтириш мақсадида мамлакат миқёсида агросаноат корхоналарини, илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларини шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Улар пахтачилик, дон, ун ва ун маҳсулотлари, сабзаотчилик, боғдорчилик, узумчилик, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари ҳамда бошқа мажмуалар бўйича ихтисослашган бўлиши мумкин.

Масалан, аҳолининг ун ва ун маҳсулотларига бўлган истеъмол талабини қондириш мақсадида шу соҳада ихтисослашган агросаноат комбинатини шакллантириш мумкин.

Унинг таркибига:

- дон маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик субъектлари;
- дон маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналари;
- қишлоқ хўжалик ва саноат корхоналарига хизмат кўрсатувчи субъектлар;
- улар учун махсус асосий ва айланма воситаларни ишлаб чиқарувчи корхоналар;
- айрим чорвачилик ва парандачилик корхоналари;
- чорвачилик ва парандачилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар;
- комбинат ишлаб чиқарадиган маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб берувчи савда ташкилотлари ва бошқалар.

Шунга ўхшаш мажмуа, комбинат, илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари, худуднинг имкониялари, хусусиятлари ҳамда талабларини эътиборга олган ҳолда шакллантирилиши мумкин. Шунинг натижасида:

- ишлаб чиқариш кучларини мақсадга мувофиқ жойлашиши ҳамда худуддаги меҳнат тақсимоти;
- шу жойларни барпо этиш, ишсизликни камайтириш;
- барча ресурслардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш;
- аҳолининг даромадларини ошириш, уларни шу маҳсулотларга бўлган талабини қондириш масалаларини ҳал этиш имкони таъминланади.

Шу тадбирлар агросаноат мажмуасининг самарадорлигини юксалтиришга ижобий таъсир этади.

#### **4. Озиқ-овқат ва халқ истеъмоли моллари мажмуаси. Давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги**

Мавжуд муаммоларни ҳозирги замон талаби даражасида ҳал этиш учун:

- агросаноат мажмуаси таркибидаги машинасозлик, нефт, кимё ва бошқа саноат тармоқлари қишлоқ хўжалигини ва унинг маҳсулотларини қайта ишловчи тармоқларни арзонроқ, сифатли, унумдор ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлашлари;
- қишлоқ хўжалик тармоқлари мавжуд бўлган барча ишлаб чиқариш воситаларидан оқилона фойдаланган ҳолда талабни қондирадиган миқдорда сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришлари;
- қишлоқ хўжалиги тармоқларининг ривожланишини таъминлаш мақсадида уларга турли хилдаги хизматларни вақтида, сифатли ва арзон нархларда амалга ошириш, жумладан, экинларни сув билан,

техникалар, кимёвий воситалар, ўғитлар, озуқа-ем, ёқилғи, ёнилғилар билан, техникаларни таъмирлаш ва хизматлар кўрсатиш;

- қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни нобуд этмасдан вақтида, сифатли тайёрлаб, қайта ишлаб, тайёр маҳсулотлар истеъмолчиларга етказиб берилишини таъминлаш лозим. Бунда маҳсулотлар-ни сотиб олиб, қайта ишлаш корхоналари кўламини ривожлантиришга алоҳида етибор бериш, республика Президенти И.Каримов таъкидлаганлари-дек, қишлоққа саноатни олиб бориш керак. Шу билан тармоқдаги аҳолининг иш билан таъминланиши, реал даромад олиши учун катта имконият яратилади;
- республика агросаноат мажмуаси таркибидаги тармоқлар ўртасидаги барча ўзаро муносабатларни (баҳолар, солиқлар, тўловлар) такомиллаштиришга ва уларни эркинлаштиришга қаратилган тадбирларни ҳамма бўғинларда ишлаб чиқиб, уларнинг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлашга еришиш керак.

Бу тадбирлар туфайли аҳолининг озиқ-овқат ҳамда истеъмол товарлари билан тиббиёт меъёрлари даражасида таъминланишига еришилади. Бу ҳол давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланганлигидан далолат беради.

Агросаноат мажмуига кирувчи барча тармоқларнинг энг асосий вазифаси-пировард маҳсулотга кетган жами ҳаражат сарфини пасайтириш. Қишлоқ хўжалигида пировард маҳсулот деганда, тармоқдан ташқари бевосита истеъмолчига ёки саноатда қайта ишлаш учун сотиладиган маҳсулот тушунилади.

Маҳсулотнинг тармоқ ичидаги обороти (айланиши) пировард натижада ифодаланмайди. У бу ерда оралиқ маҳсулот бўлиб намоён бўлади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг саноатда қайта ишланмасдан туриб аҳоли истеъмолига тушадиган қисми (ғалла, сабзавот, картошка, сут, гўшт ва бошқалар) агросаноат мажмуи пировард маҳсулотига қўшилади.

Қишлоқ хўжалиги, энг аввало, қайта ишловчи саноат учун хом-ашё, материал ишлаб чиқаришга асосланади, унинг фаолиятининг иқтисодий натижалари эса тармоқлараро баланс шартлари билан аниқланади. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг пировард натижаси агросаноат мажмуи нуқтаи назаридан қараганда оралиқ натижа ҳисобланади.

Бутун агросаноат мажмуининг сифатли ҳаракат қилиши фақат қишлоқ хўжалик фаолиятигагина боғлиқ бўлмай, пировард маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришда иштирок этадиган барча звенолар ишларининг сифатли ҳаракат қилишига боғлиқ.

Агросаноат мажмуининг пировард маҳсулоти маълум бир вақт давомида яратилган ва шахсий ёки ишлаб чиқариш истеъмолига тушадиган жами

маҳсулотни тўпламидир. Натура шаклда пировард маҳсулот қуйидагилардан ташкил топади:

- Бевосита аҳолига тушадиган қишлоқ хўжалик маҳсулоти;
- Қишлоқ хўжалик хом-ашёсидан тайёрланадиган истеъмол буюмлари;
- Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва уни қайта ишлаш предметлари;
- Агросаноат мажмуи биринчи соҳаси тармоқлари маҳсулотлари.

Агросаноат мажмуи пировард маҳсулотнинг таркибий тузилиши алоҳида тармоқлар маҳсулоти қийматини жами ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматига бўлиб фоизларда аниқланади. Пировард маҳсулот қиймати таркибининг ўзгариши агросаноат мажмуидаги аниқ тармоқлар маҳсулотлари, товар ва хизматларининг ошиши ёки пасайишига боғлиқ.

Агросаноат мажмуидаги корхона ва ташкилотлар пировард маҳсулоти таркибига барча товар маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажми, шунингдек, ходимларга берилган ёки сотилган ва умумий овқатланишга ва хўжаликдаги бошқа заруриятларга фойдаланилган маҳсулотлар киради.

Пировард маҳсулот (ПМ), ялпи маҳсулот (ЯМ) (товар ва хизматлар) ҳажми билан аниқ тармоқда бевосита истеъмол (И) учун фойдаланилган унинг маълум бир қисми ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланилади:

$$ПМ = ЯМ - И$$

Агросаноат мажмуи пировард маҳсулотнинг қиймати (ПМК) - қишлоқ хўжалигида яратилган соф маҳсулот қийматидан (СМКҚ/Х), озик-овқат, енгил саноат тармоқлари соф маҳсулоти қийматининг (СМКҚО/О.Е) бир қисмидан, шунингдек, транспорт, алоқа ва муомила соҳалари соф маҳсулоти қийматининг (СМКҚТ.А.М.) бир қисмидан ташкил топади.

$$ПМК = СМКҚ/Х + СМКҚО/О.Е + СМКҚТ.А.М.$$

Агросаноат мажмуи ишлаб чиқариши ва тармоқларининг иқтисодий самарадорлиги алоҳида соҳалар фаолиятлари даражаси ва пировард маҳсулотларини акс эттирувчи иқтисодий кўрсаткичлар тизими орқали характерланади. Агросаноат мажмуи самарадорлигининг асосий кўрсаткичи, аҳоли жон бошига тўғри келган қишлоқ хўжалиги хом ашёсидан олинадиган озик-овқат ва ноозик-овқат товарлари миқдори ҳисобланади. Бу бошқача қилиб айтганда, мамлакат аҳолисини ишлаб чиқарилган озик-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш маҳсулоти ҳисобланган, яъни енгил ва тўқимачилик саноати маҳсулотлари билан таъминлаш даражасидир.

- Агросаноат мажмуи самарадорлигини характерлаш учун ўртача бир ходимга тўғри келган пировард маҳсулот қиймати, бир сўмлик ишлаб чиқариш харажатларига тўғри келган пировард маҳсулот қиймати ва бир сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондларига тўғри келган пировард

маҳсулот қиймати кўрсаткичи ҳисобланилади. Бу кўрсаткичларни ҳисоблаш қуйидаги формула шаклида ифодаланади:

$$\text{МУАСМ} = \frac{\text{ПМ}}{\text{ХС}};$$

$$\text{САСМ} = \frac{\text{ПМ}}{\text{И/Ч Х}};$$

$$\text{ФҚ} = \frac{\text{ПМ}}{\text{АИ/Ч Ф}}$$

Бу ерда

МУАСМ – Меҳнат унумдорлиги, сўм

САСМ - Самарадорлик, сўм

ФҚ - Фонд қайтими, сўм

ПМ - Пировард маҳсулот, минг сўм

ХС - ўртача йиллик ходимлар сони, киши

И/Ч Х – Ишлаб чиқаришг харажатлари, минг сўм

АИ/Ч Х- Асосий ишлаб чиқариш фондлари, минг сўм

#### **4. Озиқ-овқат ва халқ истеъмолчи моллари мажмуаси. Давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги**

*Иқтисодий ва озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчаси.* Иқтисодий хавфсизлик деганда, мамлакатдаги ишлаб чиқаришнинг шундай ҳолатини тушуниш керакки, қайсики, унда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги ва иқтисодиётнинг мустахкам ривожланиши ташқи омилларнинг мавжудлиги ва ҳаракатига боғлиқ бўлмаган ҳолда, таъминланади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакатни мавжуд салоҳиятлар, ресурслар билан таъминлаш ва аҳолини ички ва ташқи шароитларга боғлиқ бўлмаган ҳолда, илмий жиҳатдан асосланган тиббий меъёрлар даражасида озиқ-овқат маҳсулотларига кафолатлаш демакдир. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш потенциал хавфнинг аниқ ва истиқболдаги ҳолати, шунингдек аҳолини озиқ-овқат товарлари билан таъминлашнинг самарали системасини яратиш тўғрисидаги билимларни юзага келтиради.

Озиқ-овқат билан ўзини-ўзи таъминлаш – бу давлатнинг ички эҳтиёжини озиқ-овқатнинг барча турлари ҳамда алоҳида маҳсулот турлари билан ҳам таъминлаш, қоплаш қобилиятидир.

Озиқ-овқат хавфидан келадиган иқтисодий зарар бевосита ва билвосита йўқотишлар бўлиб, у қуйидагилар билан боғлиқ:

- Таъминловчи тармоқлар ва агросаноат мажмуи тизимлари ва элементларининг бузилиши;
- Озиқ-овқат махсулотларига оширилган баҳолар бўйича импорт тўловлари;
- Меҳнатга яроқли аҳолининг камайиши ҳисобига меҳнатнинг иқтисодий самарадорлигининг пасайиши.
- ***Озиқ-овқат қарамлилиги ва озиқ-овқат мустақиллиги.***
- Мамлакатда озиқ-овқат қарамлилиги шундай ҳолатда вужудга келадигани, унда жамият ўз озиқ-овқат хавфсизлигини ўзи мустақил ҳал қилиш қобилиятига эга бўлмайди. У қишлоқ хўжалиги, саноат ва транспорт каби тармоқлар мажмуининг бузилишига, шунингдек зарурий озиқ-овқат махсулотлари импортига мамлакат иқтисодиётининг тўловқобилиятли эмаслигига асосий сабаб бўлади. Озиқ-овқат қарамлилигининг пайдо бўлиши учун асосий шароит давлатнинг хусусий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб қувватламаслиги ва озиқ-овқат махсулотлари импортининг ҳаддан ташқари купайиб кетиши бўлиб ҳисобланади.
- Озиқ-овқат мустақиллиги бу аҳолини ўрнатилган овқатланиш меъёрлари бўйича озиқ-овқатлар билан таъминлаш учун энергия, ер ресурслари, қишлоқ хўжалиги машиналари, моддий ресурсларнинг стратегик захиралари мавжудлигини тақозо қилади. У амалга ошириш учун агросаноат мажмуи аҳолининг асосий озиқ-овқат махсулотлари турларига бўлган талабини зарурий миқдорда ва ассортиментда мустақил ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва таъминлашга қодир бўлиши керак.

***Озиқ-овқат хавфсизлиги стратегияси.*** Озиқ-овқат хавфсизлиги стратегияси қуйидагиларни тақозо қилади:

- Агросаноат мажмуи меҳнат ресурсларига нисбатан протекционистик тадбирларни ўтказиш ва аҳолининг турли қатламлари учун давлат таъминотига эришиш;
- Ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва озиқ-овқат махсулотларини тақсимлаш тизимида меҳнат ресурсларининг оптимал балансини қўллаб қувватлаш;
- Агросаноат мажмуи тизимини энергия ва ресурсларни тежайдиган технологияларга йўналтириш;
- Агросаноат мажмуи фаолияти таъминоти ва давлат режалаштириш тизимларининг ҳаракат қилиши.